

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 14-iyun, shanba № 47 (15789)

Yoshlar festivallari davom etadi

УЛУФ МАҚСАДЛАРГА ЧОРЛАЙДИ ВАТАН!

Жиззах вилоятида «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди

«Ёшликни сенга боғлаб бериб қўймайди, вақтида унинг қадрига ет. Куч-қувватинг борида қилар ишингни қилиб қол, кексайганингдан кейин кеч бўлади, афсус қиласан», деб бежиз панд-насихат қилишмайди кўпни кўрган боболаримиз. «Ёшликдаги гайрат — кексаликдаги роҳат» деган қанотли ибора ҳам бор.

Бугун гайратли, шижоатли, билимдон ёшлар юртимизда жуда кўпчиликни ташкил этади.

Хозир шундай дамларки, касб-хунар коллежларини тугатаётган ёшларимиз айна мустақил ҳаёт оstonасида. Ёки олий таълим даргоҳини тугатиш арафасида турган талабаларнинг ҳаяжони ўзгача. Қайси коллежга хужжат топшириб, қайси йўналишда таҳсил олсам экан, дея турли орзулар оғушида юрган мактаб битирувчиларини-ку, қўяверинг.

10 — 12 июнь кунлари Жиззах вилоятида «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида бўлиб ўтган ёшлар фестивали ўғил-қизларнинг ана шундай ҳаяжонли, эсда қоларли дамларига тўғри келди.

Пойтахтимиздан ташриф буюрган тарғибот гуруҳи аъзолари Жиззах темир йўл вокзалида ўзгача тантана билан кутиб олинди. Улар жойлашган автобус тўғри «Ёшлар» шаҳарчасида бўш иш ўринлари бўйича ўтказилаётган ярмарка олдига келиб тўхтади. Тарғибот гуруҳи аъзолари ярмарка ишини қизиқиш билан томоша қилди. Айниқса, ўқувчиларнинг ижодий ишлари уларда катта қизиқиш уйғотди.

Жиззахлик йигит-қизлар ҳам янгиликка жуда ўч. Улар меҳмонлар учун турли рамзий бекатларни ўйлаб топишибди. Меҳмонлар ярмаркадан чиқиши билан ана шу бекатларда бир-бир тўхтаб ўтишди. Улар дастлаб атласдан тикланган деворга рўбарў бўлдилар. Бу ерда меҳмонларни Жиззах ҳудуди билан боғлиқ саволларга кўмишди: «Жиззах вилояти қайси вилоят ва республикалар билан чегарадош?» ёки «Жиззахдан етишиб чиққан машҳур инсонларни санаб беринг» каби саволлар албатта жавобсиз қолгани йўқ.

(Давоми 5-саҳифада)

2014-yil — Sog'lom bola yili



Рустам Назарматов олган сурат

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

ЭНГ ФАОЛ ЁШ МУТАХАССИС

Бухорода «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси вилоят бирлашмаси, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ёш тадбиркорлар, фермер ва хунарамандлар иштирок этди.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ўтказилган танлов тадбиркорлик, хунарамандчилик ва фермерлик соҳасида фаолият кўрсатаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, улар

эришаётган ютуқларни оммалаштиришга хизмат қилади.

Иштирокчилар томонидан намойиш этилган қурилиш моллари, заргарлик, ўймакорлик, каштачилик, зардўзлик буюмлари, миллий ўйинчоқлар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

«Йилнинг энг намунали ёш тадбиркори», «Йилнинг энг намунали ёш фермери» ҳамда «Йилнинг энг намунали ёш хунараманди» йўналишлари бўйича голиблар аниқланиб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма берилди.

— Корхоналари полимер томқопламалари (черепицалар), пластик қувурлар ва тежамкор бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, —

дейди «Йилнинг энг намунали ёш тадбиркори» номинацияси голиби, Когон шаҳридаги «Оникс-техноладка сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Баҳодир Одилов. — Президентимиз раҳнамолигида тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилаётган улкан эътибор ўз самараларини бераётир. Масалан, даромад солиғи бўйича ягона солиқ ставкаси 5 фоизга туширилгани корхонамиз айланма маблағини кўпайтириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Э.ЎДГОРОВ,
ЎЗА мухбири



БИР ҚАДАМ ОЛДИНДА

Журналист хато қилишга ҳақлими? Кундалик турмуш ҳодисаси мақола ёзилишига сабаб бўла оладими? Оммавий ахборот воситаси учун тезкорлик муҳимми ёки ҳаққонийлик? Ахборот маконида ёлгон хабар қаердан ва қандай пайдо бўлади? Журналистик этика профессионализмга нечоғлик дахлдор? Қандай вазиятда журналист фактни яшириши мумкин ёки малакасииз журналистни қайси белгилар фош этади?

Бир қарашда оддий бўлиб туюлган саволларга жавоб доимо ҳам топилавермайди. Айниқса, журналистиканинг нозик ва «оғрикли» нуқталари ҳақида соҳа вакиллари ўзлари баҳс юритганда. Мунозарада фақат ёш журналистлар қатнашса-чи? Бундай даврада фикрлар хилма-хиллиги, но-стандарт ечимлар, позиция ва дунёқарашлар тўқнашувига дуч келишингиз турган гап. Ҳар бир шахсий тажриба журналистиканинг қоида ва тамойилларини қайта-қайта, замонавий нигоҳ ҳамда янги талқинда кўриб чиқишни тақозо этаверади.

Ўтган ҳафтада «Камолот» ёшлар оромгоҳида бўлиб ўтган медиа-тренинг юртимиз ахборот соҳасидаги вазиятни бу сафар ёшларнинг талқини ва нигоҳи билан кўриб чиқиш имконини берди. Тўрт кун давом этган ўзига хос медиа-форумга иштирокчи сифатида фақат ёш журналистлар танлаб олингани бежиз эмас. Биринчидан, «Камолот» — ёшлар ташкилоти. Турли ижтимоий мавқега эга ёшлар, шу жумладан, профессионал ёш журналистларнинг манфаатларини ифода этиш Ҳаракатнинг доимий диққат-марказидаги масаладир. Боз устига, ёш авлод-

нинг ахборот соҳасидаги манфаатларини ҳимоя қилиш юртимизда амалга ошириладиган ёшларга оид давлат сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳозир ҳаёндаги замонавий тенденциялар асосида ривожланувчи юртимиз ахборот маконида фаолият кўрсатаётган ёш ҳамкасбларимиз мазкур сиёсатнинг асосий элементи экани ҳам ўз-ўзидан аён. Миллий журналистикамиз тобора ёшариб бормоқда. Бу эса Ўзбекистондаги ёшлар аудиторияси «истеъмол қилаётган» ахборотнинг салмоқли улушини айнан ёш журналистлар яратяпти, деган гап.

Учинчи муҳим жиҳат ҳам бор. Медиа-тренингга таклиф этилганларнинг барчаси ёшларга оид давлат сиёсатини бевосита ёритувчи ёки шу соҳа билан чамбарчас боғлиқ бўлган журналистлардир. Бу борада улар қандай ёндашувга эга экани, пировард натижада аудиторияга узатиладиган ахборотнинг сифати ва таъсирчанлигини белгилаб беради. Медиа-тренинг дастурига ёшлар масалалари ҳамда ижтимоий мавзуларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши бўйича муаммо ва камчиликлар, таҳририятларда тўпланган тажриба, ёндашув ва

услугларнинг ўзига хослигига доир алоҳида семинар машғулотларининг киритилгани бежиз эмас. Эътиборлиси, тренинг иштирокчилари билан илғор тажрибаларини юртимиздаги энг забардаст журналистлар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, олий тоифали суҳандонлар Галина Мельникова ва Насиба Иброҳимова, шунингдек, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Маданият ва маърифат» телеканали, «Пойтахт» радиоканали ҳамда www.uz24.uz янгиликлар сайти муҳаррирлари бўлдилар. Улар ёш ҳамкасбларига ўз таҳририятларида ахборот ва ахборот манбалари билан қандай ишланиши, журналистик материал қандай тайёрланишини интерфаол тарзда, қизиқарли мисоллар асосида тушунтириб беришди. www.uz24.uz сайти бош муҳаррири Абдор Исмоиловнинг ўсиб турган гул билан эксперименти ҳаммага, айниқса, манзур бўлди. Маърузачи боғдан бир гул узиб, журналистлардан шу заҳотиёқ мазкур ҳодиса юзасидан хабар тайёрлашни сўради. Мавзу ва объект

битта бўлишига қарамай, аудиториядан ўнлаб вариантлар тақдим этилгани журналист ўз материалида фактни турли тал-

ётчи ва амалиётчи олимлар тренинг машғулотларини олиб боришди.

Форумнинг кульминацион нуқтаси охириги кунга тўғри келди. Ёшлар оромгоҳининг ўзида медиа-тренинг иштирокчилари мамлакатимизда ёшларга оид сиёсатни амалга оширишга масъул давлат ташкилотлари — қатор вазирлик ва идоралар мутасаддилари билан учрашдилар. Хусусан, ёш журналистлар Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари вакиллари билан очик, шу билан бирга, қизғин диалог форматида мулоқот қилишди. Улар ушбу ташкилотлар тизимида амалга ошириладиган ишларга ўз муносабатини билдириб, ёшлар масалаларини ёритишда тегишли давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш, ахборот олиш хусусиятлари, бу борада дуч келадиган муаммолар ҳақида гапиришди.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири

Иккинчи маротаба ташкил этилган медиа-тренинг бу сафар иштирокчилар контингентини кенгайтирди. Унда саксондан зиёд (!) ёш журналист иштирок этди. Улар орасида вилоят оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган ёш журналистлар ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий кенгашлари ахборот хизматларининг ходимлари кўпчиликини ташкил қилган.

қинда кўрсатиши мумкинлигидан далolat беради.

Айтиш керак, лойиҳанинг тренерлар жамоаси ҳам кучли мутахассислардан ташкил топди. Матбуот, телевидение, радио ва интернет шўъбалари бўйича шакллантирилган гуруҳлар билан журналист кадрларни тайёрлаш соҳасида кўп йиллик тажрибага эга назари-

Галина Мельникова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, олий тоифали суҳандон:

— Журналист имижининг ўзган мақоласида, тайёрлаган кўрсатув ва эшиттиришларида намоён бўлади. Шунга кўра, ҳар бир журналист ўзининг ижодий услубини яратишга ҳаракат қилиши керак. Имиж журналист этикасини ҳам ўз ичига олувчи тушунча. Журналист ҳақиқатни ёзаман, кўрсатаман, гапираман деб, одоб меъёрларидан четлашиши мумкин эмас. Бу оммавий ахборот воситасининг обрўсизланишига олиб келади.



Насиба Иброҳимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, олий тоифали суҳандон:

— Эфирда янграётган янги сўз ёки ибора бир зумда тарқалиб, урфга айланиши ҳеч гап эмас. Шу боис радио ва телебошловчининг тилига эътиборсиз бўлишга ҳаққи йўқ! Бу журналист имижининг ва этикаси масаласидир. Афсуски, телеэкранда она тилимиз қоидалари кўпроқ бузилапти. Гўё тил иккинчи даражали ва унга жиддий аҳамият қаратмаса ҳам бўладигандек. Муҳими қиёфа-ку, ахир. Йўқ! Профессионал журналистикада бундай қоида ҳеч қачон ўзини оқламаган. Профессионализмни юқори даражада тутиб тура олган журналистгина томошабинларнинг ҳурматини қозонади.



Ирода Исмоилова, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети ўқитувчиси, филология фанлари номзоди, тренер:

— Мухлис билан шивирлашиб гаплашиш имконияти радиога хос. Яъни унда журналист ва тингловчи ўзаро самимий суҳбатлашади, ҳаяжонланмай фикрларини дилдан айта олади. Шундай экан, радио муҳлис қалбига бирмунча



Шухрат Сатторов, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг жамоатчилик билан алоқалар бўйича масъул ходими:

— Телевидение орқали ёш журналистлар медиа-тренигини кузатиб бордим. Унда бугунги кун журналистикасининг ютуқ ва камчиликлари муҳокама қилинганидан хурсандман. Медиа-тренингда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий кенгашлари матбуот котиблари ҳам иштирок этиб, ўз тажрибасини бойитгани янаям яхши. Зеро, ахборот хизмати ходими ташкилотда оммавий ахборот воситалари билан ишлаш учун масъул шахс. У ҳар куни журналистларни ўзи фаолият юритаётган ташкилотга тегишли янги ахборотлар билан таъминлаши керак. Ўйлайманки, тренинг давомида ёш ҳамкасбларимиз оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш ва ўз фаолиятини ташкил қилиш бўйича фойдали билим ва кўникмаларга эга бўлдилар.

Абдор Исмоилов, www.uz24.uz сайти бош муҳаррири:

— Севимли касбим билан 24 соат ишлаш, ҳар куни 24 соат сайт фойдаланувчилари билан ахборотлар алмашиш мен учун ҳам мароқли, ҳам шарафли. Шу ҳис медиа-тренингда ҳам мени бир зумга тарқ этмади. Чунки тренингнинг интернет шўъбасидаги ёш журналистларнинг интернет ва онлайн журналистика ҳақидаги мулоҳазаларини эшитиб, касбимга бўлган меҳрим янада ошди. Айниқса, қатнашчиларнинг интернет журналистикасини ривожлантиришга оид билдирган таклифлари тренинг ҳақидаги таассуротларимни янада бойитди.



яқин, таъсири кучли. Биласизми, дунёда ўзгармайдиган ва энг қадрли нарса бу — фикр. Медиа-тренинг давомида ёшларнинг радио журналистикасининг ютуқ ва муаммолари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини эшитдик. Уларнинг ранг-баранг фикрларида жон бор. Ҳақиқатан, бугун радиоканалларда кўнгилочар дастурлар, хусусан, радиовикториналар жуда кўп. Уларнинг аксарияти шунчаки муҳлис эътиборини жалб этиш ҳамда SMS хабарлардангина иборат. Ёш журналистлар айтганидек, биз, соҳа мутахассислари қимматли эфир вақтини саёз, бўлмағур дастурлардан тозалашимиз керак. Ва буни амалга ошириш вақти келди ҳам. Шунингдек, тингловчиларнинг ахборот тинглаш маданиятидан келиб чиқиб, турли эшиттиришларни эфирга узатишимиз зарур.

ҲАРАКАТНИНГ ҚОН ТОМИРИ

Мен учун лицейдаги ҳар кун «Камолот»дан бошланади. Биринчи курсданоқ Ҳаракатга аъзо бўлганман. Эрталаб биз, фаоллар бошлангич ташкилот хонасига тўпланамиз. Навбатдаги режалар, олдимизда турган янги лойиҳалар ҳақида фикр алмашамиз. Дарсдан кейин эса ташкилотда ҳақиқий иш — қайноқ ҳаёт бошланади. Бунга ҳаммамиз кўникиб қолганмиз.

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 2-академик лицейда «Камолот» ЁИХ бошлангич ташкилоти ўн уч йилдан буён фаолият кўрсатади. Ҳозир унга 753 нафар ўқувчи аъзо. Етакчимиз Шерзод Муҳамедов фаолликда ҳам, ташаббускорликда ҳам барчага намуна. У жамоат ишидан сира қочмайдиган, қийинчиликдан қўрқмайдиган йигит.

— Жорий ўқув йили янгиликларга бой бўлди, — дейди Шерзод Муҳамедов. — Бошлангич ташкилот қошида илк маротаба «Камолот» академияси»ни ташкил қилдик. Бу иқтидорли ёшлар клубига ўхшаш тузилмадир. «Академия» доирасида илмий, ижодий, ижтимоий-сиёсий ва спорт йўналишларида турли

лойиҳалар ишлаб чиқяпмиз. Спортга қизиқувчи ёшлар лицейда мавжуд спорт секциялари ва клубларга жалб этилади, ижодий қобилияти бор тенгдошларимиз учун санъат, адабиётга доир алоҳида танловлар ташкил қилишга ҳаракат қиламиз. Ихтирочи ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳам «Камолот» академияси»нинг дастурий вазифаларига киради.

Ўқув йили давомида бошлангич ташкилот фаоллари бир қатор янги ва қизиқарли лойиҳаларни амалга оширишди. Шулардан бири «Мен бугунги экологик вазиятни қандай тасаввур қиламан?» мавзудаги суратлар танловидир. Танлов орамизда шу куннинг долзарб муаммолари юзасидан ўз нуқтаи назарини мўйқалам воситасида мохиро-

на ифодалай олувчи қанчалаб иқтидорли ёшлар борлигини кўрсатди. Танлов ғолиби Моҳирахон Зокирхўжаеванинг «Танлаш биздан» деб номланган сурати атроф-муҳит муҳофазасига чорловчи энг замонавий ва таъсирчан тарғибот плакатлари билан бемалол рақобатлаша олади.

— «Камолот» ЁИХ мен учун ҳаёт мактабига айланди, шахс сифатида шаклланишимга ёрдам берди, — дейди академик лицей битирувчиси Ақромжон Фозилов. — Бошлангич ташкилотдаги фаолиятим давомида нотиклик маҳорати, ёшлар билан ишлаш кўникмаларига эга бўлдим. Бунинг учун «Камолот»дан миннатдорман.

Жорий йилда Ақромжон Ҳаракат томонидан ташкил этилган «Энг фаол ёш истеъмолчи» кўрик-танловининг шаҳар босқичида иккинчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, бошлангич ташкилотдаги маънавий-маърифий йўналиш сардори Доноҳон Бахтиёрова «Конституция — бахтимиз пойдевори» республика танловида учинчи ўрин, ижтимоий-иқтисодий йўналиш сардори Шоҳрух Ҳидоя-



тов «Энг фаол ёш тарғиботчи» танловининг туман босқичида биринчи ўринга сазовор бўлишди.

Яқинда Тошкентдаги Турин политехника университети қошидаги академик лицейда ўтказилган математика, физика, информатика, кимё ва биология фанларидан I илмий-амалий конференцияда лицейимиздан уч нафар ўқувчи қатнашиб, совриндор бўлишди.

2008 йилдан буён бошлангич ташкилотимиз мунтазам равишда Олмазор тумани миқёсида «Энг намунали

бошлангич ташкилот» деб эътироф этилаётгани интилиш ва ҳаракатимизга берилган муносиб баҳодир.

Юртимизда биз, ёшларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишимиз учун барча шароитлар мавжуд. Ўз ўрнида, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бу йўлда бизга мустақкам таянч ва қанот бўлаётгани янаям қувонарлидир.

Сорахон АБДУҚОДИРОВА,
ЎЗМУ қошидаги
2-академик лицей
ўқувчиси

«Kamolot» ko'z gusi

ХОРАЗМДА ФУТБОЛ ТУРНИРИ

«Камолот» ЁИХ Хоразм вилояти кенгаши, Ўзбекистон футбол федерацияси вилоят бўлими ҳамда Урганч олимпия захиралари коллежи ҳамкорлигида 2001-2002 йилларда туғилган болалар ўртасида футбол бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди. Мусобақада барча туман ва шаҳарлардан жамоалар иштирок этди.



Биринчи ярим финал учрашувида Хива туманининг «Рўзмат Мадаминов» ҳамда Урганч шаҳрининг «Хоразм-2» жамоалари ўзаро беллашди. Мурасаз кечган ўйинда урганчликларнинг қўли баланд келди.

Иккинчи ярим финалда Қўшқўпир туманининг 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари Ҳазорасп тумани жамоасига қарши майдонга тушди. Қўшқўпир тумани ёшлари ра-

қибга имконият қолдиришмади — 2:0.

Ҳал қилувчи ўйин ғолиби пеналтилар сериясида аниқланди. Мусобақа натижасига кўра, Урганч шаҳар жамоаси I даражали, Қўшқўпир тумани жамоаси II ва Хива тумани жамоаси III даражали дипломлар билан тақдирланди. Барча ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Шахло САФАШЕВА

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ УЧУН АЖОЙИБ ЯНГИЛИК!

Барча футбол мухлисларини **20 июнь** куни соат **18:00**да Тошкент шаҳридаги «Пахтакор» марказий стадионида академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган футбол бўйича «Камолот» кубоги» мусобақасининг финал босқичи ҳамда футбол-шоу дастурига таклиф этамиз. Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган мазкур турнир илк бор «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўрта махсус касб-хунар маркази, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда «Пахтакор» профессионал футбол клуби билан ҳамкорликда ташкил этиляпти. Футбол-шоу дастуридан қизиқарли ўйинлар ва эл севган санъаткорларнинг чиқишлари ўрин олган.

Шошилининг, стадионга кириш чипталари bepул.

Батафсил маълумотларни
www.kamolot.uz веб-сайти ҳамда 241-01-61,
170-90-35 телефон рақамлари орқали
олишингиз мумкин.



КАМОЛОТ

ЭКОЛОГИК ТОЗА КОНДИЦИОНЕР



Ўзбекистон Фанлар академияси энергетика ва автоматика институти катта илмий ходим-изланувчиси Фаррух Мухторов юртимизда биринчи экологик тоза, тежамкор кондиционерни яратди. Мазкур қурилма ҳавони тозалаш ва намлигини бошқариш хусусиятига эга. Электр энергияни тўрт хисса кам сарфлайди. Таннархи эса бир неча баробар арзон.

Фаррух Мухторов. — Ҳозир корхона ва уйларда ўрнатилувчи аксарият кондиционерлар ҳавони компрессор ёрдамида совутади. Бу электр энергиянинг кўп сарфланишига олиб келади. Компрессорли кондиционерда энергия сарфи 1200 ваттдан кам эмас. Менинг қурилмам эса ҳавони буғлатиб совутиш тамойили асосида ишлайди. У жуда содда тузилишга эга: битта секин айланувчи двигател, сув насоси ҳамда иккита парракдан иборат. Совуткич остига махсус бак ўрнатилган. Сув буғланиши ҳисоби-га ташқаридан кираётган иссиқ ҳаво совийди. Совуган нам ҳаво айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргичдан ўтади. Натижада, ҳавонинг нисбий намлиги кўтарилади. Бундай кондиционердан ёзнинг жазирама кунларида фойдаланиш, айниқса, қулай ва самаралидир.

Экологик тоза кондиционернинг дастлабки таҳриба вариантини қаҳрамонимиз ўзи қўлбола усулда ясаб, лаборатория шароитида синаб кўрди.

— Сув таъсирида темир тез занглайди, — деб тушунтиради тадқиқотчи. — Шу туфайли кондиционернинг барча қисмларини пластмассадан тайёрладик. Уни ишлаб чиқариш унча қимматга тушмайди. Асосийси, электр энер-

гиясини сезиларли равишда тежашга эришамиз. Масалан, экспериментал моделimiz атиги 80 ваттда ишлайди. Саноатга жорий этилувчи янги модел эса 200-250 ваттга мўлжалланган. Ҳозирги кондиционерлар билан солиштирилганда, бу дарёдан томчи. Бутун дунёда энергия тежамкор техника ва технологияларга талаб ортиб бораётган бир пайтда тадқиқотим натижалари юртимиз бозорини сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлашга хизмат қилишига шубҳам йўқ.

Янги кондиционер ҳали лаборатория деворларини тарқ этмаган бўлсада, кўпчилик эътиборига тушишга улгурди. Истеъмолчилар ҳам, ишлаб чиқарувчилар ҳам ихтиронинг амалиётга тезроқ жорий этилишини интизорлик билан кутмоқда. Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси давомида бир қатор корхона вакиллари ёш ихтироичига бу борда ўз бизнес таклифларини беришди. Шулардан бири энергия тежамкор ва экологик тоза кондиционернинг паррандачилик фермалари учун мўлжалланган вариантини яратишга доир таклифдир. Ҳозир Фаррух Мухторов бу бўйича иш олиб бормоқда.

Истиқболда миллионлаб инсонлар ва юзлаб корхоналарнинг ҳолатини чиқариш билан бирга мамлакатимиз иқтисодийети ҳамда одамлар саломатлиги-

га беҳисоб фойда келтира оладиган долзарб тадқиқотга қаҳрамонимиз даярли тасодиф туфайли қўл урганди. Энергетика ва автоматика институтига ҳам тасодиф сабаб келган. Аслида мутахассислиги бўйича у — дастурчи. Тошкент ахборот технологиялари университетини тамомган. Жиззахнинг тоғли Фориш туманида ўсган Фаррух болалигидан техникага қизиқарди. Бир сафар шамол қурилмасига ўхшаш асбоб ясаганини ҳам эслайди. 2012 йилда ҳозирги илмий раҳбари, техника фанлари доктори, академик Ромэн Зоҳидов уни «Саноат объектларида иссиқлик ва совутиш таъминотининг янги усул ва техник ечимларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги грант лойиҳасида иштирок этишга таклиф қилди. Фаррух Мухторовнинг ҳавони совутиш тизими самарадорлигини оширишга бағишланган илмий иши айна грант мавзусига мос келгани бахтли тасодифдир.

Жорий йилда ёш тадқиқотчи Германиянинг Дрезден техника университетида бўлиб қайтди. У ерда хорижлик ҳамкасблари ва бир гуруҳ ўзбекистонлик олимлар билан бирга қуёш энергиясини қувват олувчи юқори температурали иссиқлик аккумуляторларини ишлаб чиқиш бўйича назарий тадқиқотлар олиб борди. Истиқболда мазкур йўналишдаги изланишлари ҳам юртимиз тараққиётига хизмат қилишига умид қиламиз.

— Кондиционер ҳавони совутибгина қолмай, хонадаги микро муҳитни ҳам оптимал сақлаши даркор, — дейди ёш олим. — Шунда у инсон саломатлигига зиён етказмайди. Қоидага кўра, ҳаво ҳарорати кўтарилган сайин, ҳавонинг нисбий намлиги пасайиши керак ва аксинча. Айтайлик, 20-24 даража иссиқда ҳаво намлиги 50-60 фоиздан кам бўлса, терингиз қуриб бошлайди, тезда шамоллайсиз ва бошқа салбий аломатлар кузатилиши мумкин. Амалдаги кондиционерлар ҳаво ҳароратини ҳам, намлигини ҳам керакли меъёردа сақлаб тура олмайди. Улар ҳавони фақат 20 даражагача совутиши мумкин.

— Яна бир жиҳат, — давом этади

Шолимерлар дунёсининг ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ

Олим фақат ўз тадқиқот предметини мукамал билиши кифоями? Бугунги кунда — йўқ. Шиддат билан ривожланаётган дунёда айнан сизнинг ихтиронгиз ишлаб чиқарувчи ва сармоядорларда қизиқиш уйғотиши учун менежмент, ахборот технологиялари каби турфа замонавий соҳаларда ҳам билимингизни чархлашга тўғри келади. Замонавий илм-фаннинг талабиям шу — тадқиқот амалий аҳамиятга эга бўлиб, истиқбол учун хизмат қилиши шарт.

Ўзбекистон Фанлар академияси полимерлар кимёси ва физикаси институти ёш олимлар кенгаши раиси Оля Кличева бизни ёш ҳамкасбларининг илмий ишлари билан таништиради. Айни вақтда унинг ўзи ҳам истиқболли полимерлар синтези лабораториясида катта илмий ходим сифатида фаолият кўрсатмоқда.

— Институтимизда ўттиз уч нафар ёш олим бор, — дейди Оля. — Улар бир вақтнинг ўзида ёш олимлар кенгашига аъзо. Ҳар ойда кенгаш йиғилишларини ташкил қиламиз. Аъзоларнинг илмий фаолиятига доир маърузаларини эшитиб, айни дамда қайси масалада ёрдам кераклигини аниқлаймиз. Масалан, кимдир илмий ишларини нашр этишга қийналяпти ёки хорижда малака оширмоқчи-ю, лекин сармоёси етарли эмас. Яна биров илмий янгилигини амалиётга жорий этиш учун инвесторларни қандай қилиб жалб этишни билмайди.

Шунга ўхшаш ҳолатларда бир-биримизга маслаҳат солиб, ўзимиздаги фойдали ахборотлар билан бўлишамиз. Кенгаш таркибида масъул аъзолар ҳам бор. Масалан, Ильнар Нургалиев ҳар йиғилишда бизни фандаги янги инновациялар билан таништиради, тадқиқотлар давомида замонавий ахборот ва интернет технологиялари, махсус компьютер дастурларидан фойдаланишга доир қизиқарли маърузалар ўқийди. Ильнар физика-математика фанлари номзоди, назарий лабораторияни бошқармоқда. Бу лаборатория фақат ёшлардан ташкил топган. Унда турли полимерлар асосида тайёрланувчи препаратларнинг биологик фаоллиги ўрганилади. Айни пайтда лаборатория ходимлари ушбу жараённи компьютер воситасида моделлаштириш устида изланишлар олиб бормоқда.

Бир неча йил аввал полимерлар кимёси ва физикаси институтида ипак қурти ғумба-

гидан дунёда ўхшаши йўқ уникал полимер — хитин синтез қилиб олинган эди. Мазкур биоматериалдан парфюмерия, фармацевтика, қурилиш саноати каби жами етмишга яқин соҳаларда фойдаланиш мумкин. Бироқ институт олимлари хитин билангина чекланишгани йўқ. Унинг асосида яна бир янги полимер — хитозан кашф қилинди. Хитозан табиий полисахаридлар гуруҳига мансуб. Универсал бўлгани боис XXI аср полимери деб ҳам юритилади. У медицина, айниқса, биологик актив қўшимчалар ишлаб чиқаришда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва ветеринарияда кенг қўлланилмоқда.

Айтиш керак, хитозан бир қатор фойдали хусусиятларга эга биопрепаратлар яратишда ҳам муҳим хомашё ҳисобланади. Жумладан, яқинда институт лабораторияларида академик Сайёра Рашидова бошчилигида «УЗХИТАН» препарати синновдан ўтказилди. Ундан, асосан, ғўза уруғлари учун махсус ҳимоя капсуллари тайёрланади. Бундай ҳимоя воситаси ўсимликнинг тез ривожланишига шароит яратади ҳамда зараркунандалардан асрайди.

Бугунги кунда институт томонидан амалга ошириляётган аксарият илмий лойиҳалар хитозаннинг турли хоссаларини



тадқиқ этишга бағишланган. Уларда ёш олимлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Масалан, Оля Кличева Фанлар академиясининг Фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фонди танловида ютиб олган грант доирасида хитозанни N-карбоксиметиллаштиришнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганмоқда. Бу усул ёрдамида полимер ҳосилалари ажратиб олинади. Шулардан бири карбоксиметилхитозандир. Ёш тадқиқотчининг сўзларига кўра, мазкур полисахарид сувда яхши эрийди. Шу туфайли қишлоқ хўжалиги ўсимликлари учун ҳимоя капсуллари, қолаверса, бошқа қатор тиббий препаратлар ишлаб чиқаришда қўл келади.

— Истиқболли полимерлар синтези лабораторияси докторанти Нодира Воҳидова хитозан асосида полимер металл-комплексларини олишга эришди ва ҳозирги кунда уларни мевали дарахтларда синновдан ўтказмоқда, — давом этади ёш олимлар кенгаши раиси О.Кличева. — Тадқиқот натижалари келгусида ҳайвонларда салмонеллез касаллигини даволаш учун самарали препаратлар яратишда асқотади. Бу йўналишда Нодира Санкт-Петербург юқори молекуляр би-

рикмалар институти олимлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Кенгашимизнинг яна бир аъзоси Валентин Долгов жорий йилда Хитой Фанлар академиясининг кимё институтида малака ошириб қайтди. Унинг тадқиқот иши ўтга чидамли нанокөмитли полимер материаллар ишлаб чиқишга бағишланган. Целлюлоза ва унинг ҳосилалари кимёси ва технологияси лабораторияси катта илмий ходими Ҳайдар Юнусов эса кумуш наноэрозлари янги бактерияцид препаратларни яратди. Улар трофик, гинекологик ҳамда куйиш оқибатида содир бўлувчи яраларни даволайди. Ҳайдар матоларда ҳам кумуш наноэрозларни шакллантириш технологиясини ишлаб чиққан. У ўз ишланмаларини Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида тақдим этди.

Юртимизнинг ҳал қилувчи кучи — ёшлар. Бугун ушбу фикр ҳар куни, ҳар соҳада кўплаб мисоллар орқали ўз тасдиғини топмоқда. Ақл ва иқтидор бобида дунё олимлари билан рақобатга киришяётган тенгдошларимизнинг залворли меҳнати ва ютуқларини кўриб янада қувонсан, киши. Демак, Ўзбекистон илм-фани ва келажаги ишончли қўлларда.

УЛУҒ МАҚСАДЛАРГА ЧОРЛАЙДИ ВАТАН!



(Давоми, аввали
1-саҳифада)

«Олтин қалам» бекатида Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» китобининг санъаткорлар дастхати туширилган бир неча нусхаси кам таъминланган ва имконияти чекланган болаларга совға қилинди. «Олтин наво» бекатида тарғибот гуруҳи аъзоси, бастакор ва хонанда Али Ниёзимбетов чалиб, кўшиқ куйлаб берди. «Мерганлар ва зукколар» бекатида шарни

либ ош тортилди.

Шундан сўнг тарғиботчилар гуруҳларга бўлиниб, туманларга йўл олди. Фестивалнинг биринчи куни Арнасой, Дўстлик, Мирзачўл, Пахтакор, Зафаробод ва Жиззах туманлари ёшлари тарғибот гуруҳи аъзолари билан учрашиш бахтига муяссар бўлишди. Улар ёш олимларнинг белгиланган мавзулар бўйича турли-туман мулоҳазаларини эшитишди. Саволларига жавоб олишди.

— Фестивални ёшларимиз

Жиззахлик ёшлар Юртбошимиз Ислон Каримовнинг ёш авлодга кўрсатаётган ғамхўрлиги ва эътиборига жавобан барча соҳаларда фаол ва илғор бўлишга интилоқдалар. Республика ва халқаро фан олимпиадалари, илмий кон-

ва ёшлар», «Президент асарлари билимдони», «Ҳоким ва ёшлар», «Сиз севган қаҳрамонлар» ва «Замонамиз қаҳрамонлари», «Одам савдосидан ёшларни асраш — куннинг долзарб масаласи», «Биз — соғлом турмуш тарзи тараф-



ференцияларда Жиззахлик ёшларнинг ҳам иштироки йилдан-йилга кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидла-

доримиз!», «Виждонли сотувчи», «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!», «Камолот» кутубхонаси каби лойиҳалар доирасида учрашувлар, футбол-шоулар ўтказилди.

Фестивалнинг иккинчи куни лойиҳалар вилоятнинг, асосан, тоғли туманларида ўтказилди. Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Форш, Янгиобод ва Зарбдор туманлари ёшлари меҳмонлар ташрифини катта мамнуният билан кутиб олишди. Масалан, Ғаллаорол туман ҳокимлигида эрта турмушга чиқишнинг олдини олиш мавзусига бағишланган тадбир ҳам жуда қизиқарли ташкил этилди.

— Ҳар нарсанинг ўз вақтида бўлгани маъқул, — дейди мав-

қувонч олиб келади.

Охирги пайтда кўпчиликнинг, айниқса, ёшларнинг алоҳида эътирофига сазовор бўлган фильмлардан бири — «Одноклассники.ру»да бош роллардан бирини ўйнаган Замира Бешимованинг сўзларига жавобан ғаллаороллик ёшлар гулдурос қарсақлар чалишди.

Жиззах транспорт ва алоқа коллежида одам савдоси жинояти борасида бўлиб ўтган учрашув ҳам таассуротларга бой бўлди. Дастлаб одам савдосига қарши курашиш бўйича Жиззах вилоятидаги ягона нодавлат ташкилот — «Истикболли авлод» марказининг ходими Дилшод Ўринбоев коллеж ўқувчиларига одам савдоси тўғрисида зарур маълумотларни бериб ўтди.

— Бундай жиноятларнинг олдини олиш фақат ўзимизга боғлиқ, — дейди сўзга чиққан таниқли киноактёр, «Ўйла, изла топ» кўрсатувиининг бошловчиси, Республика ёш томошабинлар театри раҳбари Баҳром Усмонов. — Ёзувчи Тоҳир Маликнинг «Алвидо, болалик!» қиссаси асосида ишланган «Заҳарли томчилар» фильмида Қамар ролини ўйнаганман. Адибнинг куйидаги гаплари ҳеч кимни бефарқ қолдирмас керак: «Жамиятда жиноятчидан кўра жиноятга бефарқ одамдан кўра хавфли одам йўқ».

Барча туманларда тадбирлар жуда қизиқарли ва файзли кечди. Бундай тадбирларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Каримова, санъаткорлар Элёр Носиров, Муҳаббат Абдуллаева, Асал Шодиева, Алишер Узоқов, Али Ниёзимбетов, Феруза Собитова, Шуҳрат Йўлдошев, Маъмурбек Раимжонов, Шерзодбек, ижодкорлардан Умида Абдуазимова, Ҳаким Сатторий, Ботир Эргашев ва бир қанча спортчи ва олимлар иштирок этиб, тадбир файзига файз кўшишди.

Фестивалнинг охирги кунинда Жиззах шаҳридаги «Сангзорқўл» дам олиш масканида якуний гала-концерт ташкил этилди ва турли соҳаларда

ФЕСТИВАЛЬ ТААССУРОТЛАРИ

Салоҳиддин Алимқулов, Ҳаракатнинг Ғаллаорол тумани кенгаши раиси:

— Фестиваль ғаллаороллик ёшларда жуда катта таассурот қолдирди. Туманимизда бўлиб ўтган тадбирлар чекка ҳудуддаги ёшлар орасига ҳам кириб борди. Лалмикор саноат касбхона коллежи, Булоқбоши ҚФЙда жойлашган компьютер технологиялари коллежи, Ғаллаорол ижтимоий-иқтисодийёт коллежида бўлиб ўтган учрашувлар ёшларимиз томонидан кўтаринки кайфиятда кутиб олинди. Сезиб турибмизки, улар бундан кейин ҳам тадбирлар тез-тез бўлиб туришини истайди. Бу галги фестивал ҳам нафақат туманимиз, балки вилоятимиз ёшларининг ғайратига-ғайрат, кучига-куч қўшганлигига шубҳа йўқ.

Ҳаким Сатторий, ёзувчи:

— Хорижда яшаётган ватандошларимиздан бири қаттиқ илтимос қилган экан: «Қайноқ тупроқ устига кечки пайт сув сеппилгач, ажойиб хид таралади. Ўзбекистонга борсангиз, ўша тупроқдан олиб келинг». Афсуски, бу илтимосни бажаришнинг иложи йўқ. Чунки ҳид, ифорни бир жойдан узок жойга олиб бориш ақлга сизмайди гап. Бу гапни айтганимда, ёшларимиз жуда

қаттиқ таъсирланишди. Тадбирнинг самарали ўтгани шуки, ёшлар Ватан деган улуг тушунчани онгига янада чуқурроқ сингдиришди. Унинг қадрига етиш ҳақидаги туйғу юракларидан жой олди.

Норкул Тогаев, 29-меҳрибонлик уйи директори:

— Бу тадбирни эшитиб болажонларимиз меҳмонларни интиқлик билан кутишди. Болалар келган меҳмонларни турли саволларга кўмиб ташлашди. Ҳосила Раҳимова, Алишер Узоқов, Али Ниёзимбетов, Замира Бешимова, Асал Шодиева каби санъаткорлар билан юзма-юз суҳбатда бўлиш уларни жуда ҳаяжонлантириб юборди. Боланинг қувончига шерик бўлиш ҳам одамга завқ бераркан. Улар куй-қўшиқларга рақсга тушишди. Турли ўйинларда иштирок этишди. Айниқса, «Камолот» кутубхонаси сериясида чоп этилган бадиий китобларни ҳадя қилишгандан жуда миннатдормиз. Шу кунларда Зомин тоғлари бағрида жойлашган «Лочин» оромгоҳига дам олиш учун жўнаш тадоригини кўриб турувдик. Бу ҳам дам олишдан олдинги унутилмас байрам бўлиб болажонларимиз хотирасида муҳрланиб қолади.

ёриш мусобақаси бўлиб ўтди. Сўнгги — «Тилаклар» бекатида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов ва бошқа хушовоз хонандалар, актёрлар ҳар бири ўз тилакларини билдириб, каптарларни учирди. Ана шундай ҳаяжон ва хуш кайфият билан меҳмонлар Жиззахлик ёшлар ҳамроҳлигида «Маҳалла» марказининг маросимлар залига кириб келишди. У ерда кам таъминланган оила фарзандлари, имконияти чекланган болалар ҳамда 29-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига дастурхон ёзи-

жуда интиқиб кутишди. Улар туманларда бўлиб ўтган давра суҳбатлари, учрашувлардан жуда миннатдор, — дейди Ҳаракатнинг Жиззах вилояти кенгаши раиси Азамат Дархонов. — Давлатимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллигини кенг нишонлаш, ўтган давр мобайнида қўлга киритилган ютуқ ва натижалар, ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини ёшларга тушунтириш, улар ўртасида маънавий-маърифий тарғибот ишларини самарали ва таъсирчан услубда амалга ошириш ёшлар фестивалининг асосий мақсадидир.

гимиз келади. Бу каби фестивалларнинг ташкил этилиши ёшларимизни ҳар жабҳада фаол бўлишга ундайди.

Меҳмонларни, яъни тарғибот гуруҳи аъзоларини кўпчилик ёшлар телевизор орқали кўрган, радиода овозини эшитган ёки матбуотда уларнинг исм-шарифларига кўзи тушган. Ёшлар эътиборида бўлган ана шундай машҳур инсонлар фестивал доирасидаги тадбирларда Жиззахлик ёшлар билан юзма-юз кўришишди, суҳбатлашишди. Вилоятнинг ҳар бир шаҳар, туманида «Оммавий маданият» ва ёшлар маънавияти», «Депутат



зу ҳақида қисқача гапириб ўтган киноактриса Замира Бешимова. — Мен таълимнинг магистратура босқичини 23 ёшимда битиргач, турмушга чиқдим. Ҳозирда тўрт яшар ўғлим бор. Ҳаммамизда мақсад, орзу бор. Ана шу мақсадлар ичида «Мен фарзандимни бахтли қилай» деган катта мақсад ҳам бўлиши керак. Болангиз ўқимишли, тарбияли бўлса, бу барчага

юқори кўрсаткичларга эришган бир гуруҳ истеъдодли ёшлар тақдирланди. Тадбир якунида Жиззах вилоят ҳокими Сайфиддин Исмоилов, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммадждонова сўзга чиқди.

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» муҳбири

ИШТИЁҚ — РАҒБАТ МАҲСУЛИ


Ҳар қандай жамоада касбидан келиб чиқиб ўз бурчини сидқидилдан бажарадиган фидойи касб эгалари албатта топилди. Раҳбарият буни яхши илғаган ҳолда бу ходимларни бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатса, мавриди келганда уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаб турса, жамоада ўз-ўзидан ижобий муҳит шаклланади: энг дангаса ходим ҳам қандайдир иш кўрсатгуси келади, эзгу фикрларга ошно бўлади.

Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги Гулистон қишлоқ хўжалиги коллежига кириб борганимизда, дастлабки манзара эътиборимизни тортди: «Ойнинг энг фаол ўқитувчилари» деган катта лавҳада уч-тўрт нафар ўқитувчининг суратлари, таржимаи ҳоллари берилган. Уларнинг барчаси ёш ўқитувчилар эканлиги қувонтиради кишини. Олайлик, информатика фани ўқитувчиси Акмал Жонизоқовнинг сурати ва таржимаи ҳоли тагига у меҳнат фаолияти даврида эришган ютуқлар ҳам бирма-бир санаб ўтилган: «3 та фан (информатика, ҳисоблаш техникаси асослари, компьютер графикаси) бўйича ишчи ўқув дастурлари яратган. Маърузалар матни ишлаб чиққан. Фанлар олимпиадасида вилоят босқичида бир нафар ўқувчиси фахрли ўринни эгаллаган».

Ютуқларнинг айримларинигина айтиб ўтпмиз, албатта. Фаол ўқитувчилар сафида эндигина 26 ёшга кирган биология фани ўқитувчиси Жамшид Азимов, махсус фан ўқитувчиси Шароф Норбўта-

евлар номи ҳам келтирилган.

— Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғинининг Абдукарим қишлоғида жойлашган ушбу коллеж 2003 йилда ташкил топган, — дейди коллеж директори Фарҳод Усмонов. — Жами 759 нафар ўқувчи ветеринария, агрономия, ахборот тизимлари ва технологиялари, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, қишлоқ хўжалигини механизациялаш каби саккиз йўналишда таҳсил олмоқда. Коллежда бешта кафедра мавжуд бўлиб, махсус фанлар ва агроинженерия кафедралари Жиззах политехника институти билан, қолган кафедралар Жиззах давлат педагогика институти билан ҳамкорликда шартнома асосида таълим самарадорлигини оширмоқда. Умумтаълим ва махсус фан ўқитувчилари ўқитаётган фанлари бўйича жами 24 та услубий мажмуа тайёрланди. Бу мажмуалар ичида инглиз тили ўқитувчиси Муаттар Мирсолиева, бухгалтерия ҳисоби ўқитувчиси Рашид Худоёров, агрономиядан Баҳром Урозбоев, ветеринариядан Баҳодир Лапасовларники мукамал иш-



ланганлиги билан ажралиб турибди.

Ўқитувчилар ўртасида йил мобайнида ўтказиб туриладиган турли кўрик-танловлар ҳам ўзига хос. «Энг яхши дарс ишланмаси» танловида математика фани ўқитувчиси Омонкелди Ҳайдаров, «Энг яхши очиқ ўқув машғулоти» танловида Дониёр Уролов, «Энг яхши кафедра» ҳамда «Энг яхши услубий ишланма» танловларида Аҳрор Ражабовлар ғолиб бўлишган. Бундай танловлар ўқитувчиларнинг меҳнатга бўлган иштиёқини оширади, албатта.

Коллежнинг ахборот ресурс маркази нафақат ўқувчилар билан, балки ўқитувчилар билан ҳам гавжум. Жами 4638 нусха китоб фондига эга бўлган ушбу маскан бешта компьютер, битта принтер ҳамда сканер билан таъминланиб, унда электрон кутубхона ташкил этиш ишлари ҳам бошлаб юборилган. Ҳозирда 49 номда 54 нусха-

да электрон дарсликлар мавжуд. Марказ «ZiyoNET» порталига уланган.

Ушбу таълим муассасасида ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш, моддий-техник базадан фойдаланиш самарали йўлга қўйилган. Ўқув амалиётларини ўташ бўйича ўн миллион сўмлик замонавий тикув машиналари ҳамда ўн етти миллион сўмлик чилангарлик ишлари бўйича устахона анжомлари ҳамisha ўқувчилар хизматида. Автомобилларда ташвиш ва бошқариш мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган талабаларни касбий ўқитиш бўйича битта энгил ва битта юк машинаси ҳамда қирқ миллион сўмликдан зиёд автомобиллар тузилиши фани бўйича кўргазмали ва амалий машғулотлар комплекти фойдаланишга топширилган. Бугунги кунда мазкур ҳоҳозлардан фойдаланган ҳолда дарс ташкил этилмоқда.

Ўтган йили коллежнинг ўн нафар битирувчиси тижорат

банкларидан ҳар бири икки миллион сўмдан имтиёзли микрокредит олиб тадбиркорликни бошлашди. Масалан, Бахтиёр Гулмуродов сартарошлик ва этикдўзликни, Худойберди Хонимқуллов темирчиликни, Ирода Ҳайитбоева эса тикувчиликни йўлга қўйди. Бу йил ҳам коллежнинг 27 нафар ўқувчиси чорвачилик, боғдорчилик, тикувчилик ҳамда сартарошлик билан шуғулланиш учун кредит олиш истагини билдирган. Йилдан-йилга ёш тадбиркорлар сафи кенгайиб бораётганлиги қувонарли ҳол.

Нафақат тадбиркорликка, балки илм чўққиларини эгаллашга интилаётган ўқувчиларнинг ҳам кўплиги коллеж нуфузини йилдан-йилга оширмоқда. Бу йилги фан олимпиадасида коллежнинг жами ўн тўрт ўқувчиси вилоят босқичида қатнашишга муваффақ бўлди. Уларнинг уч нафари – Муҳиддин Бектемиров (математика), Азимжон Узоқов (кимё), Аслиддин Эргашев (немис тили) олимпиаданинг республика босқичига йўллангани қўлга кириштиди. Уларнинг устозлари Омонкелди Ҳайдаров, Аҳрор Ражабов, Камол Бойбўтаевлар коллеж маъмурияти томонидан рағбатлантирилди. Ҳам билимдон, ҳам тадбиркор ёшларни тарбиялаб вояга етказиш масъулиятига содиқлик ана шундай ютуқларга етказиши тайин.

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Sening tengdoshing

ХУРШИДА МЕНЕДЖЕР БЎЛМОҚЧИ...

Унинг оиласидаги ижодий муҳит, китобга бўлган муҳаббат мурғак қалб тасаввурини тезда бойитиб юборди. Илм олишга, тил ўрганишга бўлган иштиёқ, аниқ фанларни ўрганишга бўлган катта қизиқиш унга асло тиним бермади.

Хуршида 4-синфда ўқиб юрган пайтларидаёқ, яқинларининг кўмаги билан инглиз тилини изчил ва пухта ўрганишга киришди. Шу тилдаги китоблар ва луғатлардан тўла фойдалана олгани, қолаверса тил ўрганишга бўлган ҳавас ва иштиёқи қийинчиликларни ортада қолдирди. Айниқса, устози Нилуфар Мақсудова бу машаққатли йўлда унга тиргак бўлди.

Ўтган ўқув йилида Бекобод шаҳридаги 13-мактабнинг 8-синфини тамомлаган Хуршида Йўлдошева инглиз тилини анча-мунча ўзлаштириб олди. Унинг чет тилида бемалол, эркин мулоқотга кириша олишига ҳавас қилиш мумкин.

— Она тилимизга таржима қилинган бўлса-да, Шекспирнинг «Ҳамлет» ва «Қирол Лир» асарларини, бевосита инглиз

тилида ўқиб чиқдим, — дейди Хуршида. — Бу менинг инглиз тилини яна ҳам пухтароқ ўрганишимга туртки бўляпти. Ўзим ҳам таржимонликка қизиққанам учун, шу тилдаги кичик-кичик ҳикоя ва шеърларни ўзбек тилига ўгиришга ҳаракат қилаяпман. Тилни яхшилаб ўзлаштирсам, ўзбек тилидан инглиз тилига таржималарда ҳам ўзимни синаб кўрмоқчиман.

Дарҳақиқат, ёш иқтидор эгасининг шашти жуда баланд. Хуршида бошчилигида мактабнинг «Инглиз тилини ўрганиш» («Learn English») номли махсус журнали чиқа бошлангани бунинг яққол исботи. Инглиз тилида ўтказилаётган турли хил тадбирлар, қизиқарли ўйинлар кўпчиликланган манзур бўлмоқда. Ўзидан кичик ёшдаги укаларини ҳам чет тилига бўлган қизиқишлар-

рини оширишда Хуршиданинг ҳиссаси катта.

— Келажакдаги мақсадим — иқтисодчи-менеджер бўлиш, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда мамлакатимиз иқтисодиёти янаям ўсишига ҳисса қўшиш, — дейди Хуршида

Ёш қизнинг эришаётган ютуқларидан устозлари ҳам мамнун.

— Хуршида қобилиятли, зеҳнли ўқувчи. У ўзининг тиришқоқлиги, изланувчанлиги ва ташаббускорлиги билан мактабимиз фахрига айланиб қолди, — дейди инглиз тили ўқитувчиси Нилуфар Мақсудова. — Ўзидан кичик ўқувчиларга бемалол тўғарак машғулотларини ҳам олиб бора олади. Шу ҳаракатчанлигида давом этса, келажакда ундан етуқ мутахассис чиқишига ишонаман.

Ҳа, баркамол ёшлар келажак сари дадил ва шитоб билан интилишмоқда. Хуршида сингари иқтидорли қизлар Ватанимиз сарҳадларидан ошиб дунё билан тиллашмоққа шай бўлиб туришибди.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Ниҳуқ ва бurch

Демократия, тенг ҳуқуқлилик жамиятимиз тараққиётининг асоси ҳисобланади. Бунда фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларни қатор қонунлар билан кафолатланади. Бироқ ҳаётда ҳуқуқ билан бирга масъулият, бурч каби тушунчалар ҳам ёнма-ён.

МАСЪУЛИЯТНИ УНУТМАЙЛИК!

Сир эмаски, коммунал тўловлар кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. Уларни ўз вақтида тўлаб бориш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз бўлиб, бу турмушимиз фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшади.

Афсуски, гуруч курмакисиз бўлмаганидек, орамизда билдирилган ишончли суиистеъмол қилувчилар ҳам учраб туради. Жорий йилда Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри электр таъминоти корхонаси ишчи-ходимлари томонидан ўтказилган рейд пайтида Чирчиқ шаҳридаги бир қатор кўп қаватли уйларда хонадон эгаларининг қонунни бузганлик ҳолатлари аниқланди. Мазкур қоидабузарликлар расмийлаштирилиб, қонун йўли билан ҳал этилгунча қанча келишмовчилик, асаббузарликлар бўлди. Агар хонадон эгалари электр энергияси ҳақида хиёнат қилмай, ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўймаганларида ўзларига ҳам маънавий зарар етказмаган, ҳам катта жарималарга тортилмаган бўлар эдилар. Зеро, инсон ҳақ-ҳуқуқларини билиш баробарида ўз мажбуриятларини ҳам доимо ёдда тутиши лозим. Бу тенгликка пугур етиши ижтимоий мувозанат бузилишига сабаб бўлади.

Фарҳод МИРЗАЕВ,
Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар электр таъминоти корхонаси ҳуқуқшунос ёрдамчиси



Madaniyat

КОЛЛЕЖДА ЯНГИ МУЗЕЙ ОЧИЛДИ

Тасвирий санъат минг йилларки, инсониятга эстетик завқ бериб келади, кўҳна тарихни «тилга киритади». Шу кунгача моҳир мусаввирлар томонидан қанчадан-қанча дунё маданиятига ҳисса қўшган асарлар яратилмаган дейсиз? Рассом нигоҳи билан қаралганда бутун борлиқ рангтаввирдан иборатдек кўринади. Ҳақиқатан ҳам, кундалик турмушимизда, атроф-муҳитда — ҳамма жойда тасвирий санъат билан алоқа-дорликни кўриши мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда тасвирий санъатни янада ривожлантириш учун кўплаб чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Бунга мисол қилиб Сурхондарё вилояти Ангор маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи қошида янги ташкил этилган тасвирий санъат музейини кўрсатишимиз мумкин.

Таниқли ҳайкалтарош

ва мусаввир Чоршанби Маматқулов номидаги тасвирий санъат музейи бу ерга келувчиларда унутилмас таассуротлар қолдирмоқда. Бир-биридан гўзал ва такрорланмас санъат асарларида, ижодкорнинг нечоғлик тер тўккани кўринади. Очиги, уларни томоша қила туриб, ранг тасвирнинг сеҳрига мафтун бўлдик. Музей экспонат-

ларининг аксарияти мусаввир Чоршанби Маматқулов асарларидан иборат. Қолаверса, соҳир мўйқалам эгаси Рўзи Чориевнинг асарлари ҳам экспонатлар ичра савлат тўкиб турибди.

— Куни кеча музейимизга давлат мақоми берилди ва унинг расмий очилиш маросими ўтказилди. Бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси бадий академиясининг Сурхондарё вилояти бошқаруви раиси Турсунбой Шоймардонакулов, вилоят марказий кўргазмалар зали директори Турсунпўлат Уроқов, филология фанлари номзоди Шайдулла Муродов, коллеж ўқувчилари ва меҳмонлар иштирок этганидан хурсанд бўлдик, — дейди музей директори Акрам Маматқулов.

Экспонатларни томо-

ша қилар эканмиз, маиший жанрлардаги ижод намуналари эътиборимизни тортди. Чоршанби Маматқуловнинг «Кашта чевари», «Оқтошда тонг» сингари асарлари ўтмиш воқеа-ходисалари, воҳа аҳолисининг кундалик турмуш тарзини тараннум этади.

Мусаввир — гўзаллик куйчиси. У яратган асарлар инсониятни ҳамиша эзгуликка ва гўзалликка чорлаши керак. Амалга оширилган ишлардан кўзланган мақсад ҳам ёшларни бой тарихимиз ва маданий меросларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни ватанпарвар, юртга фидойи инсонлар бўлиб камол топишларини таъминлашдан иборат.

Наргиза РАХМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» муҳбири

■ Mutaxassis o'goh etadi ■

БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Ёнғинларнинг аксарияти фуқароларнинг яшаш жойларида юз бераётганлиги ачинарлидир. Уларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилганда кишиларнинг газ ёки иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланишлари, уларни ўзларича, билиб-билмай таъмирлашга уринишлари, умуман, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари кўп учраши маълум бўлди.

Бензин, керосин каби тез аланга олувчи моддалар сақланадиган жойларда очик оловдан фойдаланиш қатъиян таъқиқланади. Афсуски, бу каби қоидаларга амал қилинмаслиги оқибатида айрим юртдошларимизнинг моли ва жонига зарар етаётган ҳолатлар ҳам кузатилган.

Кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томони-

дан мунтазам тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга ошириляпти. Бироқ фуқароларимиз бу каби ишлар фақат соҳа мутахассисларининг вазифаси эмас, ўзларининг ҳам бурчлари эканини тўла англаб етсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

Умид УСМОНОВ,
Тошкент шаҳар 12-ХҲХО
кичик инспектори

■ Yoshlik ilhomi ■

БИЗ ЁШЛИКМИЗ

*Биз ёшликмиз, қалбда тўла шижоат,
Биз ёшликмиз, ўй-фикримиз адолат.
Биз ёшликмиз, бор Ватанга садоқат,
Биз ёшликмиз, кўрсатармиз жасорат.
Биз ёшликмиз, метиндайин матонат,
Биз ёшликмиз, бисёрдир имконият.
Биз ёшликмиз, бизда бор кучу ғайрат,
Биз ёшликмиз, боқарлар кўзда ҳайрат.
Биз ёшликмиз, шу Ватаннинг эртаси,
Биз ёшликмиз — келажакнинг эгаси.*

ЧОРЛОВ

*Шаҳдам қадамли ёшлар,
Қалби поку, қуёшлар,*

*Хизмат қилар чин дилдан,
Ватанига йўлдошлар.
Билимларин синашар,
Билмагани сўрашар,
Бу — келажакка замин,
Шундай бўлмоғи тайин.
Билимнинг пойдевори
Бўлса чиндан мустаҳкам,
Она Ватан учун биз
Бўлиб фарзанд чинакам,
Ижодга бел боғлаймиз,
Рақиб дилин доғлаймиз,
Равнақ топсин, деб Ватан,
Аямаймиз жону тан.*

Юлдуз ОЧИЛОВА,
Бухоро саноат ва транспорт
касб-хунар коллежи ўқувчиси



Безътибор шифокорларнинг қўпол хатоси

Босния ва Герцеговина фуқароси операциядан сўнг қорнида қайчини унутиб қолдирган шифокорлар устидан судга мурожаат қилди.

Ален Папич оғриқлар сабаб шифохонага боради ва рентген текширувларида ичида бегона жисм борлиги аниқланади. 2003 йили ошқозон яраси сабаб ўтказилган операциядан сўнг у чидаб бўлмас оғриқларни ҳис қилган. Ўтказилган рентгендан сўнг шифокорлар унинг қорнида узунлиги 12 сантиметр бўлган қайчини унутиб қолдиришгани маълум бўлди. Аленнинг қорнида тўққиз йил турган жисм олиб ташланганига мана икки йил бўлибди ҳамки, у ўзининг жисмоний ва маънавий чеккан азоби учун товон пули ҳам ололмаган, узр ҳам эшитмаган. Шифохона раҳбарияти бу талабни қатъий рад этиб, ўз айбини тан олмади.

Янада қулай

Келаси йилнинг бошида «SAMSUNG» компанияси ўзининг нафақат эгилувчан, балки букланадиган қурилмасини тақдим этишини маълум қилди.

Маълумотларга қараганда, қурилма аслида планшет бўлса-да, буклангандан сўнг, смартфон (телефон) вазифасини ўтайди. Гаджет «AMOLED» дисплейи билан ўртача 8-9 дюйм атрофида ишлаб чиқарилади. Экранны қатламга эга бўлади. Дисплейнинг чекка қисмлари марказга қараб букланганда 4-5 дюймли смартфон пайдо бўлади. Мутахассислар фикрича, янги букланадиган технология сифатли ҳисобланиб, ҳеч қандай ноқулайлик ва муаммоларни келтириб чиқармайди.

Фойдали кашфиёт

Гарвард институти олимлари инфарктнинг олдини олувчи вакцина яратганини маълум қилишди. Мазкур кашфиёт инсон жигаридаги генга таъсир кўрсатиш технологиясига асосланади.

Бу ген юрак-қон томир фаолиятининг издан чиқиши ва холестериннинг ошиб кетишига олиб келади. Томирларнинг ички деворларида холестерин тўпланиши инфаркт хавфини оширади. Вакцина эса генларга таъсир кўрсатиб, холестеринни 40 фоизгача камайтириб юборади. Инфаркт хавфини эса 30-90 фоизгача камайтиради. Профессор Киран Мусунуру эса вакцинани бир неча йил давомида жиддий синовдан ўтказиб, сўнгра кенг миқёсда оммага тавсия этишини маълум қилди.

**Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

